БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 128 (4587).

30 ИЮНЬ ЖУМА 1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон ССР Бинокорлик саноати министрлиги корхоналари маҳсулотни реализация қилиш планини муддатидан уч кун илгари бажардилар. Қурилишлар қўшимча равишда кўпгина миқдорда ойна, линолеум, полимер плёнкалар, пенополистирол, керамик плиткалар, шиша толаси ва бошқа материаллар олади.

* * *

Республика озиқ-овқат саноати министрлиги корхоналари коллективлари реализация қилинган маҳсулот ҳажми бўйича ярим йиллик топшириқни барвақт бажардилар. Июль ойи бошларигача қўшимча равишда неча миллион сўмлик ҳар хил маҳсулотлар реализация қилинади.

* * *

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги корхоналари маҳсулотни реализация қилиш ҳажми бўйича биринчи ярим йилга берилган топшириқни муддатидан илгари адо этдилар.

* * *

Ўрта Осиё темир йўли коллективи халқ хўжалик юклари жўнатиш ярим йиллик планини муддатидан илгари бажарди. Ўтган йилдагига қараганда 3,4 процент кўп юк ортиб жўнатилди.

Тепловозларнинг унумдорлигини ошириш топшириғи анча кўпайтириб адо этилди. Поездларнинг ўртача вазни ва тезлиги ошди. Юк ташиш ҳажмининг шу миқдорда кўпайишига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобидан эришилди.

(ЎзТАГ).

ПАХТАКОРЛАРНИНГ ЯНГИ УЛКАН МАРРАСИ

Наманган область пахтакорларининг чақириғига жавобан ғўза парваришини кучайтирамиз

Наманган областининг пахтакорлари мусобақадош дўстлари — Андижон ва Фарғона областларининг қишлоқ меҳнаткашларига хат билан мурожаат қилдилар.

Наманганликлар мўл пахта етиштириш учун кураш биринчи босқичини якунлаб ва ҳосил учун кураш ҳал қилувчи даврининг вазифаларини муҳокама қилиб, зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар ва Андижон, Фарғона областларида ва республиканинг бошқа областларида пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашни кучайтиришга даъват қилдилар.

Чигитни сифатли экиш, уни қийғос ундириб олишнинг серташвиш кунлари ўтиб кетди. Кўп кунлик жала, сел, бўронларга, ёвёвсиз дўл оқибатларига қарши қаттиқ кураш кунлари ўтиб кетди. Деҳқонларнинг тажрибаси, меҳнатсеварлиги, партия ва ҳукуматнинг кундалик мадади ва ёрдами туфайли пахтакорлар габний офат кучларидан устун келди. Улар бундай офатларга биринчи марта қарши курашаётганлари йўқ ва бу курашда биринчи марта ғолиб чиқаётганлари йўқ. Наманганлик пахтакорларнинг мурожаатида бундай дейилади: ғўза ҳозир авжига кириб, ҳамма жойда бир текис гуллай, кўсаклай бошлаган бир пайтда, ям-яшил ғўзаларда дастлабки кўсаклар кўзга ташланиб қолган бир пайтда биз комил ишонч билан айта оламизки, 1972 йил — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топганлигига 50 йил тўладиган тарихий санани пахтадан юқори ҳосил олиш билан нишонлаймиз, барча хўжаликларда, барча районларда ва умуман Наманган областимизда буюк бойлигимиз, ифтихоримиз, жонажон Ўзбекистон ва бутун социалистик Ватанимизнинг қудратли меҳнат оқимига қўшадиган бебаҳо ҳисса бўлган «оқ олтин»дан гоят мўл-кўл ҳосил кўтарамиз.

Биз далаларни қайта-қайта кўздан кечирар эканмиз ва ҳар бир туп ғўзани меҳр-муҳаббат билан парвариш қилар эканмиз, бундай деб айтамиз: областимиз юбилей йилида бутун пахтачилик тарихида энг қулай келгач ўтган йилда эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлабгина қолмасдан балки эришилган ютуқлардан ҳам каттароқ муваффақиятларни қўлга киритади, янада олга қадам ташлаб, янги-янги марраларга эришади. Сахий Фарғона водийси меҳнат аҳли ҳузурида, бутун республика ҳузурида биз қатъий ваъда бериб бундай дейиз: бу йил кузакда ҳам давлатга камида 400 минг тонна пахта сотиб, гектар бошига ўртача ҳосилдорликни 31 центнерга етказамиз.

Наманган пахтакорлари ҳеч қачон бундай юксак маррага эришмаган эдилар. Наманган-даги хўжаликларда бундан илгари ҳеч қачон бу қадар масъулиятли вазифаларни ҳал этиш учун бунчалик қулай шарт-шароитлар яратилмаган эди. Биз партиямизга, давлатимизга пахта далаларининг меҳнат аҳли тўғрисида, суғориладиган ерларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида, хўжаликларни ҳозирги замон техникаси билан қуроллантириш ва улкан химиянинг барча воситалари билан таъминлаш тўғрисида ҳормай-толмай қилаётган ғамхўрликлари учун яна бир марта катта раҳмат деймиз.

Ўзбекистондаги барча хўжаликлар, барча районлар ва областлар партия ва ҳукуматимизнинг ана шундай оталарча ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб турибди. Республикадаги колхозлар ва совхозларнинг ҳаммаси ана шундай катта имкониятларга эгадир.

Азиз дўстлар, ота-инилар, опа-сингиллар, ўғил-қизларимиз, шундай бўлгач, келинг, Советлар мамлакати кўп миллатли халқларининг бузилмас қардошлик иттифоқининг тарихий юбилейини пахта далаларида жуда улкан муваффақиятларни қўлга киритиш учун, чорвачиликни, сабзавотчиликни, боғдорчиликни, ғаллачиликни янада ривожлантириш учун курашда астойдил меҳнат қилиш билан нишонлайлик. Бугун биз республика пиллачилари мисли кўрилмаган ютуқларга эришганликларини, қорақўлчиларнинг фидокорона меҳнат қилганлигини, кўпгина хўжаликлар, районлар ва областлар деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда ажойиб ютуқларга эришганликларини алоҳида хурсандчилик билан айтиб ўтамиз.

Наманганликлар республикадаги барча пахтакорларга мурожаат қилиб, ҳар бир область пахтакорлари ўз ишларини жуда яхши биладилар, ўз шарт-шароитларини жуда яхши биладилар ва юксак маҳоратга эгадирлар, деб мутлақо тўғри ҳисоблайдилар. Лекин бизларнинг ҳаммамиз бу йил ҳар бир областда чигитни қайта экиш натижасида ривожланишда орқада қолаётган ячагина ғўза борлигини, ана шу ғўзаларни зўр бериб парвариш қилиш керак-лигини эсда тутишимиз лозим. Июль ойида ғўза камида икки марта комплекс парвариш қилиниши, ғўзанинг ўсишидаги қолоқлик батамом тугатилиши керак. Бунинг учун минерал ўғитдангина эмас, маҳаллий ўғитдан ҳам фойдаланиш, ғўзани қондириб суғориш ва тўйдириб озиқлантириш керак. Наманганликлар ҳосилни машинада йиғиб-териб олиш учун техникани яхшилаб тахт қилиб қўйишга ҳам аҳд қилдилар. Бу йил техника ёрдамида пахтанинг камида 60 процента машинада териб олинади. Бу — бултургидан бир ярим баравар кўпдир.

Областнинг бир қанча районлари ва хўжаликлари ҳосилнинг 80—90 процентини машинада йиғиштириб олишга аҳд қилдилар. Кўпгина хўжаликлар ва бригадалар гектар бошига 45—55 центнердан ҳосил кўтариш учун мусобақалашмоқдалар. Республикада машҳур Поп районидаги Ленин номли колхоз бу йил кузда пахта майдонининг ҳаммасида гектар бошига ҳосилдорликни 45 центнерга етказиб, ҳосилнинг 80 процентини машинада териб олади. Бу колхоз коллективи беш йилликнинг охириги йилида пахта етиштиришни аввалги беш йилликдаги 7 минг 300 тонна ўрнига 15 минг тоннага етказишга аҳд қилди.

Бу ажойиб фактлар колхозларда ва совхозларда катта-катта имкониятлар борлигини кўрсатади ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан республикада беш миллион тонна пахта етиштириш тўғрисида қўйилган вазифани мана шу беш йилдаёқ бажариш тамомила реал ва ҳеч сўзсиз амалга ошириса бўладиган вазифа эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Халқ Фарғона водийсини «оқ олтин» водийси, пахтани эса «оқ олтин» деб атайди. Лекин қишларнинг меҳнати, пахтакорларнинг меҳнати олтиндан ҳам қиммат. Чунки инсон барча бойликларнинг, барча моддий неъматларнинг ижодкори, инсон мамлакатимизда коммунизм муваффақиятли қурилишининг асосий бунёдкоридир. Биз фидокорона меҳнатимиз билан, Ленин партиясининг доно раҳбарлигида, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрлиги туфайли бахтиёр ҳаёт барпо этдик. Биз бу ҳаётни янада ғўзалроқ қиламиз, Ватанимизни эса янада бадавлат ва қудратли қиламиз.

Наманганликлар ана шу шонли шуҳрат йўлида ўзларининг ён қўшнилари андижонликларни ва фарғоналикларни, Самарқанд ва Бухоро, Тошкент ва Сирдарё, Сурхондарё ва Қашқадарё пахтакорларини, Хоразм ва Қорақалпоғистон АССР пахтакорларини юбилей йилида гоят баракали меҳнат қилишга, зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажарибгина қолмай, балки ортиғи билан бажаришга, мўл ҳосил учун курашда ва бу йил гоят улкан пахта хирмони кўтаришда энг юқори кўрсаткичларга эришишга чақирадилар.

«Биз ҳамкасбларингиз, сиз дўстларимизга ва бирга меҳнат қилаётган ўртоқларимизга қарата, пахтакорлар ягона армиясининг жанговарларига қарата, серқуёш Ўзбекистон меҳнаткашлари ягона оиласининг фарзандларига қарата қуйидаги сўзлар билан мурожаат қиламиз, дейилади шу мурожаатда.

Ҳар бир кунни, ҳар бир соатни пахта далаларида меҳнат қилишга бағишлайлик. Қўлимизда бор бўлган барча имкониятлардан, резервлардан тўлатўкис фойдаланайлик, бутун куч-ғайратимизни ва тажрибамизни ҳар бир туп ғўзада мўлкўл ҳосил тўплашга ва юбилей йилидаги ҳосилни зарбдорларча йиғиштириб олишга тайёргарлик кўришга сарфлаймиз. Ҳар бир коллектив, ҳар бир пахтакор олинган мажбуриятлар то бекамиқўст бажарилгунча ўтадиган ҳар бир кунни ўзи учун зарбдор коммунистик меҳнат кунлари деб ҳисобласин».

Қўш орденли Ўзбекистонимиз, серқуёш республикамиз, унинг миллион-миллион меҳнаткашлари ҳар йили ўз олдиларига янги-янги тобора мураккаброқ вазифаларни қўймоқдалар. Пахтакорлар, мусобақа ташаббускорлари меҳнат ғайратини оширишда пешқадам отряд бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Далалардаги ва фермалардаги барча меҳнат аҳли ана шу фахрли ташаббусни қўллаб-қувватлашга бор куч-ғайратларини икки-уч чандон ошириб, республикамиз коммунистик қурилиш ҳазинасига ўзининг янги улкан сахий ҳиссасини қўшиши учун, КПСС тарихий XXIV съезди томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган ҳамма ишни қилишга астойдил қарор бердилар.

Буюк мақсадга яраша ғайрат ҳам зўр бўлади. Бутун куч-ғайратимизни, барча билимимизни, халқимизнинг бор тажрибасини қудратли социалистик Ватанимизни янада гуллатиб яшнатишга, кўп миллатли ва кўп миллионли совет халқимизнинг бахт-саодатига бағишлаймиз!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

29 июнда Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Ўртоқ В. В. Окунский Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан пленум уни Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзолиги вазифаларидан озод қилди.

Ўртоқ К. П. Дудин Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари қилиб сайланди.

Пленум ўртоқ И. И. Федориновни Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси қилиб сайлади.

Пленум ўртоқ В. Н. Маркинни республикадан ташқарида ишлаш учун кетганлиги муносабати билан уни Тошкент шаҳар партия комитети бюроси аъзолиги вазифасидан озод қилди.

Пленум «Главташкентстрой» бошлиғи ўртоқ Г. М. Саркисовни Тошкент шаҳар партия комитетининг бюро аъзоси қилиб сайлади.

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

КПСС XXIV съезди қарорларини изчиллик билан амалга оширишаётган Оржоникидзе районининг чорвадорлари ишлаб чиқаришда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Район хўжаликлари давлатга ярим йиллик сут, гўшт, тухум сотиш давлат планларини муддатидан илгари ошириб бажардилар. Районда жун қирқиш кампаниясига уюшқоқлик билан киришилган эди. Натижада биринчи қирқимнинг ўзиданоқ йиллик жун сотиш плани ошириб бажарилди.

Чорва моллари маҳсулдорлигини оширишда «Химик» совхози, «Октябрь», «Қизил Ўзбекистон» колхозлари катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Юбилей йили вахтасида туриб меҳнат қилаётган район меҳнаткашлари чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш бўйича берилган йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун барча чора ва тадбирларни кўрмоқдалар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими системасини янада такомиллаштириш масаласи юзасидан қарор қабул қилдилар. Халқ хўжалигини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш борасида КПСС XXIV съезди илгари сурган вазифалар малакали ишчилар тайёрлаш сифатини янада яхшилашни талаб этади. Ҳунар-техника билим юртлари, дейилади қарорда, ёшларни профессионал тайёрлаш ва ишчилар синфининг муносиб ўрин босарларини вужудга келтиришнинг асосий мактаби бўлиб қолмоқда. Ҳунар-техника билим юртларида касб-ҳунар орттирган ёш ишчиларнинг кўплари ишлаб чиқариш илғорлари ва рационализаторлари, меҳнат коллективларининг раҳбарлари бўлиб қолдилар. Кейинги йилларда ўрта ҳунар-техника билим юртлари тез ривожланмоқда. Ёшлар ана шу билим юртларида касбларни ўрганмоқдалар шунингдек умумий ўрта маълумот олмоқдалар.

Қарорда кўрсатиб ўтилганидек, ҳунар-техника билим юртларининг ишида жиддий нуқсонлар бор. Ўқув жараёнида ўқувчиларга таълим-тарбия бериш бирлиги етарли даражада таъминланмаётир, ишчилар меҳнати мазмунида содир бўлаётган ўзгаришлар ҳамиша ҳам эътиборга олинмоқда, деб бўлмайди. Ҳунар-техника таълимининг илмий проблемалари суст ишлаб чиқилмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитети, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари министрликлар ва идоралар зиммасига ҳунар-техника билим юртларининг фаолиятидаги камчиликларни тугатиш, таълим-тарбия ишининг сифатини яхшилаш мажбуриятини юкладилар. Ҳунар-техника билим юртлари ҳар томонлама ривожланган, техника соҳасида билимдон ёш ишчиларни, ғоявий жиҳатдан сабот-матонатли профессионал маҳоратни эгаллаган, янги техникани ўзлаштира ва такомиллаштира оладиган, коммунизм қурувчиларнинг олдинги сафларида бораётган ишчилар синфининг революцион ва меҳнат анъаналарини кўпайтира оладиган кишиларни тайёрлашларга эришмоқ керак.

Ҳунар-техника таълимини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни бажариш зарур деб топилди:

Ишчилар синфининг ёш ўрин босарларини тайёрлашнинг энг перспектив формаси бўлган ўрта ҳунар-техника билим юртлари кенгайтирилсин ва мустаҳкамлансин, бу билим юртларида ёшларнинг ҳунар ва умумий ўрта таълими юксак даражада бўлиши таъминлансин.

Ўрта умумий таълим мактабини тамомлаб чиққан ёшларга ишчи малакасини ўргатувчи техника билим юртлари ривожлантирилсин, ҳунар-техника таълими системасида, ишчилар синфининг муносиб ўринбосарларини тайёрлашда уларнинг роли оширилсин;

Оммавий касб кадрларини тайёрлайдиган 1-2 йиллик ҳунар-техника билим юртларининг иши яхши йўлга қўйилсин. Ўқувчиларнинг ишчи ёшлар кечки (сменали) мактабларида умумий таълимни давом эттириш учун зарур шарт-шароит вужудга келтирилсин. Корхоналарнинг раҳбарлари ана шу билим юртларини тамомлаганларидан кейин заводлар, қурилишлар, совхозларга келган ёшларнинг умумий ўрта таълимни тугаллашлари тўғрисида ғоят зўр ғамхўрлик қилишлари лозим.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Госпланига, СССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитетига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, министрликлар ва идораларга мамлакат хўжалигини ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган истиқболларини белгилаб чиқиш вақтида ўрта ҳунар-техника билим юртлари шаҳобчаларини янада кенгайтиришни кўзда тутишни таклиф этдилар. Бундан мақсад — ҳунар-техника таълимидан ўрта маълумотли ишчилар тайёрлашга изчиллик билан ўта боришдир.

Билим юртларида ишчи кадрлар тайёрлашни перспектив планлаштириш такомиллаштирилсин, ана шу билим юртларини ўз вақтида комплектлаш чоралари кўрилсин. Хусусан саноат ва қишлоқ хўжалигининг янги ва тез ривожланаётган тармоқлари учун тайёрланадиган ишчилар миқдори кўпайтирилсин. Билим юртларининг таълим-моддий базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чоралари амалга оширилсин. Таълим устаханалари ва хўжаликлари, лаборатория ва кабинетлар замонавий ускуналар, приборлар, инструментлар билан таъминлансин.

(Давоми 2-бетда).

ФИДЕЛЬ КАСТРОНИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва Куба Республикаси революцион ҳукуматининг Бош министри ўртоқ Фидель Кастро Рус, унга ҳамрох бўлган партия ва давлат арбоблари 28 июнда Кремлининг съездлар саройида СССР Иттифоқи Большой театри ва Киров номидаги Ленинград опера ва балет театри артистларининг балет кечасида ҳозир бўлдилар.

Куба республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган ложада КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, бошқа расмий кишилар олий меҳмон билан бирга ўтирдилар.

Спектакль бошланиши олдидан иккала қардош республиканинг давлат гимнлари ижро этилди.

* * *

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси революцион ҳукуматининг Бош министри ўртоқ Фидель Кастро ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ А. П. Кириленко 28 июнда КПСС пойтахт Гагарин район комитетида бўлдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА АЛКОГОЛИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Совет халқи коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли амалга ошираётган ҳозирги шароитда ичкиликбозлик тобора тоқат қилиб бўлмайдиган бир ҳолга айланмоқда.

Ичкиликбозлик меҳнаткашлар соғлиғига зарар етказади, кўпинча оилани бузишга олиб келади, болалар тарбиясига жуда ёмон таъсир қилади. Алкоголнинг таъсири остида қишилар жамият ва давлат олдида жавобгарлик ҳиссини йўқотиб қўядилар безорилик ва бошқа жиноятлар қиладилар. Ичкиликбозлик ишлаб чиқаришга зарар етказади, прогулларга ва меҳнат интизомини бузишнинг бошқа ҳолларига, ҳалокатлар рўй бериши ва кишилар ҳалоқ бўлишига олиб келади.

Меҳнаткашлар ичкиликбозликни таг-туги билан йўқотиш юзасидан янада самаралироқ чоралар кўришни, унинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик вазияти вужудга келтиришни ҳақли равишда талаб қилмоқдалар.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

1. ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАРНИ ИЧГАНЛИК ВА МАСТ БЎЛИБ ЮРГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

1. Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Совети ижроия комитети томонидан спиртли ичимликлар қўйиб сотилиши рухсат этилган савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари, кўчаларда, ҳовли-жойларда ва подъездларда, стадионларда, хиёбонларда, парклларда ва бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш, шунингдек жамоат жойларида инсон қадр-қимматини ва ижтимоий ахлоқни ҳақорат қиладиган даражада маст ҳолда юриш уч сўмдан ўн сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Ўша ҳаракатлар маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилганидан кейин бир йил ичида яна қайта содир бўлса, ўн сўмдан ўттиз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Штраф милиция органининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан солинади.

Штраф солинганлиги тўғрисида милиция органи қонунбузар ишлаб, ўқиб ёки ишлаб турган жойдаги маъмурият ёки жамоат ташкилотига албатта хабар бериб қўйиши зарур.

2. Милиция органлари жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичганлик ёки инсон қадр қиммати ва ижтимоий ахлоқни ҳақорат қиладиган даражада маст ҳолда юрганлик учун штраф солиш ўрнига қонунбузарни огоҳлантириб қўйишга ёки унинг тўғрисидаги материалларни қараб чиқиш учун шу қонунбузар ишлаб, ўқиб ёки ишлаб турган жойдаги жамоат ташкилоти, меҳнаткашлар коллективи ёки ўртоқлик судига юборишга ҳақлидирлар.

3. Белгилаб қўйилсинки, ичкиликбозлик учун бир йил мобайнида бир неча марта маъмурий ёки жамоат таъсири кўрсатиш чоралари қўлланилган шахсларни корхона, муассаса ва ташкилотлар маъмурияти касаба союзларининг фабрика, завод, маҳаллий комитетлари билан келишиб туриб ишлаб чиқаришдаги мукофотдан тўла ёки қисман маҳрум этиши мумкин. Бундай шахслар дам олиш уйлари ва санаторийларга имтиёзли путёвкалар олишдан маҳрум этилишлари, уларнинг квартира олиш навбати орқага сурилиши мумкин.

Ишга бир неча марта маст ҳолда келган ёки ишда спиртли ичимликларни бир неча марта истеъмол қилган шахсларга нисбатан худди шундай чоралар қўлланилиши мумкин.

Ишлаб чиқаришда ўз ихтиёрида бўлган ходимларнинг спиртли ичимликлар ичишига йўл қўйган, шунингдек маст ҳолда бўлган шахсларни ишдан четлатиш чораларини кўрмаган бригадирлар, мастерлар, участка, цех, смена бошлиқлари ва бошқа хўжалик раҳбарлари интизомий жавобгарликка, қонунда кўрсатилган ҳолларда эса жиноий жавобгарликка тортиладилар.

4. Кўча-кўйларда ва бошқа жамоат жойларида қаттиқ маст ҳолда бўлган шахслар медицина ҳушёрхонасига жойлаштириладилар, бу ерда бўлганлиги учун шундай шахслардан белгиланган миқдорда ҳақ ундириб олинади.

II. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ЖАЛБ ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5. Вояга етмаган шахсни ота-оналар ёки бошқа шахслар маст бўлиш ҳолатигача олиб келсалар, агар бу ҳатти-ҳаракатлар жиноий тартибда жазоланмаса, — ўттиз сўмгача миқдорда штраф солиш тарзида маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Бу штраф вояга етмаган шахснинг ота-онасига ёки улар ўрнини босувчи шахсларга меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар томонидан солинади, бошқа шахсларга эса меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ, поселка Советлари, уларнинг ижроия комитетлари ёки меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар, қишлоқ ва поселка Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар томонидан солинади.

Ўша ҳатти-ҳаракатлар вояга етмаганлар ўз хизмати бўйича тобе бўлган шахс томонидан содир бўлса, бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш иши билан ёҳуд эллик сўмгача миқдорда штраф солиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсни ичкиликбозликка жалб қилиш, яъни юқорида кўрсатилган хатти-ҳаракатлар мунтазам равишда содир бўлса беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

6. Ўн олти ёшгача бўлган ўсмирларнинг жамоат жойларида маст ҳолда юриши, шунингдек уларнинг спиртли ичимликлар ичиши уч сўмдан ўн сўмгача миқдорда, бу ҳатти-ҳаракатлар қайта содир бўлган тақдирда эса — ўн сўмдан ўттиз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади. Бу штраф меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар томонидан солинади. Бу ўсмирларнинг ота-оналарига ёки улар ўрнини босувчи шахсларга солинади.

7. Вояга етмаган шахсларни спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш, сақлаш ва савдо қилиш билан боғлиқ ишларга қабул қилиш таъқиқлансин.

(Давоми 2-бетда).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШУ ЙИЛ 29 ИЮНГАЧА ҒАЛЛА ЎРИМИНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

	Биринчи стун — ўрилган майдон гектар ҳисобида, иккинчи стун — планга нисбатан процент ҳисобида.	
Оққўрғон	676	53,1
Калинин	1622	41,8
Оҳангарон	5965	37,3
Оржоникидзе	120	24,5
Бўка	756	21,7
Янгийўл	1960	21,5
Бекобод	1021	19,3
Ўрта Чирчиқ	1219	16,8
Пискент	754	16,5
Юқори Чирчиқ	574	2,9
Бўстонлиқ	—	—
Область бўйича	14667	18,5

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

СССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитетига СССР Маориф министрлиги, СССР Педагогика фанлари академияси, министрликлар ва идоралар билан биргаликда 1972-1974 йилларда ўрта ҳунар-техника билим юртлари учун ўқув планлари ва программаларини ишлаб чиқиш, ана шу ўқув планлари ва программаларида профессионал ва умумий таълим тайёргарлигининг илмий жиҳатдан асослаб берилган нисбатини белгилаш, таълим, тарбия ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро боғланишини таъминлаш, янги ўқув программаларига мувофиқ, фан, техниканинг энг янги ютуқларини ва илғор тажрибани эътиборга олиб, ўрта ҳунар-техника билим юртлари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш ҳамда нашр этиш таклиф этилди.

Ҳунар-техника таълими органларига ўқувчиларга таълим беришнинг самарали форма ва методларини қўлланишни таъминлаш, ўқув жараёнида замонавий техника воситаларини кенг татбиқ этиш таклиф қилинди. Ўқувчиларни ғоявий-сиёсий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбиялашни кучайтиришга алоҳида эътибор берилсин.

Ҳунар-техника билим юртларининг директорлари, корхоналар, қурилишлар, совхозлар ва колхозларнинг раҳбарлари ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш практикасини уюштириш ва ўтказишни анча яхши йўлга қўйишлари, улар ҳосил қилган профессионал билим ва маҳоратни мустаҳкамлашга, меҳнатнинг ғоят унумли методларини ўзлаштириб олишларига кўпроқ эътибор беришлари керак. Меҳнатни илмий асосда уюштириш юксак даражада бўлган илғор корхоналарда практика ташкил этилсин. Ўрта ҳунар-техника билим юртларини тамомлаб чиқувчиларга ўрта таълимни тугаллагانликлари ва касб бўйича разряд берилганлиги тўғрисида диплом топширилади.

СССР Министрлар Советининг Фан ва техника давлат комитетига, СССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими давлат комитетига халқ хўжалиги тармоқларининг ривожланишига доир янги маълумотлар билан ўқитувчилар ҳамда ўқувчиларни таъминлаш юзасидан фан-техника ахборотини уюштириш топширилди. Министрликлар ва идоралар ватан ва чет эл фани ҳамда техникасининг ютуқлари, кадрлар тайёрлаш ва ишчилар меҳнатини ташкил этиш соҳасидаги илғор тажрибага доир ахборотни тегишли соҳаларнинг ўқув юртларига систематик равишда юбориб турсинлар.

СССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими давлат комитетига ва СССР Педагогика фанлари академиясига ҳунар-техника таълимининг илмий проблемаларини ишлаб чиқишга эътиборни кучайтириш таклиф этилди. Илмий тадқиқотнинг ҳозирги босқичида ҳунар-техника таълимини янада такомиллаштириш, техника тараққиётининг ишчилар меҳнати мазмунини, уларнинг психологиясини ўзгартиришга таъсири, ўрта ҳунар-техника билим юртларида ҳунар ва умумий таълим тайёргарлигинг бирга қўшиб олиб бориш, таълим ва тарбия жараёнларининг мазмуни ва уларни уюштириш ҳунар таълимининг турли формалари ўртасидаги рационал нисбат каби йўналишларида олимларнинг куч-гайратини бирлаштириш керак. СССР Педагогика фанлари академиясида ҳунар-техника таълими педагогика ва психология бўлимини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

СССР Госпланига, СССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими давлат комитетига, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ҳунар-техника таълими системасидаги ўқув юртлари учун инженер-педагог кадрлар тайёрлашни кўзда тутиш топширилди. Ҳунар-техника билим юртлари мастерлари ва ўқитувчиларининг малакасини ошириш чоралари кўрилсин, ҳунар-техника билим юртлари инженер-педагог ходимлари малакасини ошириш бутуниттифоқ институтининг филиаллари ишига эътибор кучайтирилсин. Билим юртларидаги инженер-педагог ходимлар вақти-вақти билан, 5 йил ичида камида бир марта аттестациядан ўтказиб турилсин.

Қарор иттифоқдош республикаларнинг Министрлари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари зиммасига билим юртларидаги бошланғич партия, комсомол ташкилотларига ва коллективларнинг фаолиятини ўқувчиларга таълим бериш ва уларни коммунистик руҳда тарбиялаш сифатини оширишга йўналтириш, ижтимоий фанларни ўргатишга, ёшларда коммунистик дунёқараш асосларини шакллантиришга, юксак маънавий фазилатлар, ватанпарварлик ва интернационализм руҳида, меҳнатга ва жамоат мулкига коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бериш мажбуриятини юклайди. Билим юртларида ижодий активлик, коллективлик, коммунистик ахлоқ нормаларига риоя қилиш, борасида юксак талабчанлик вазияти вужудга келтирилсин.

СССР Маданият министрлиги, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги кинематография комитети, СССР Ёзувчилар союзи, СССР Композиторлар союзи, СССР Рассомлар союзи, СССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими давлат комитети билан биргаликда ижодий ташкилотларнинг ҳунар-техника билим юртлари билан алоқаларини мустаҳкамлашлари, ижодий ходимларни ўқувчиларни эстетик тарбиялашга, ёшларни маданият ва санъатдан баҳраманд қилишга актив жалб этишлари, ишчилар синфининг ёш ўринбосарлари тўғрисида юксак бадиий асарлар яратишлари керак. Ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари ўртасида бадиий ҳаваскорлик кенг ривожлантирилсин.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуот комитети, СССР Министрлар Советининг Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети, Бутуниттифоқ «Билим» жамияти, газета ва журналларнинг редакциялари ёшларнинг малака ҳосил қилишлари ва умумий таълимни ривожлантириш учун ҳунар-техника таълими имкониятларини кенг кўрсатиб беришлари, ишчилар касби-корининг обрўсини кўтаришга ва билим юртларининг нуфузини мустаҳкамлашга актив ёрдам беришлари, билим юртларидаги педагогика коллективлари ва жамоат ташкилотларининг иш тажрибасини яхши ёритишлари, билим юртлари ўқувчилари ҳамда уларни тамомлаб чиқувчиларининг ўқуви ва меҳнатини тўлароқ кўрсатиб беришлари лозим.

ВЦСПС, касаба союз ташкилотлари билим юртларида тарбия ишини кучайтириш учун корхоналардаги меҳнат коллективларининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланишлари, билим юртлари ходимлари ва ўқувчиларнинг турмуш шароити ҳамда уларга медицина хизматини яхшилашга эришмоқлари керак. Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари билан биргаликда билим юртларини тамомлаб чиқувчиларнинг меҳнат фаолияти бошланиши биланоқ уларга доим эътибор бериш, унумли меҳнат қилишлари, касб-маҳоратларини ва умумий билим даражасини оширишлари учун зарур шарт-шароит яратиб бериш керак.

ВЛКСМ Марказий Комитети, иттифоқдош республикалар ЛКСМ Марказий Комитетлари, ўлка ва область комсомол комитетлари билим юртлари комсомол ташкилотларининг фаолиятини янада юксак даражага кўтаришни таъминлашлари, уларнинг иш формалари ва методларини такомиллаштиришлари лозим. Ёшларни ўқиш ва меҳнатга онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга ижтимоий активликни ривожлантириш, маданий феъл-атворни юксалтиришга кўпроқ эътибор бериш керак. Ҳунар-техника билим юртлари комсомол ташкилотлари билан корхоналардаги комсомол ташкилотлари ўртасидаги алоқа мустаҳкамлансин. Ўқитувчилар ўртасида янги бутуниттифоқ физкультура комплекси — «Меҳнатга ва СССР мудофаасига тайёр» комплексини эгаллаш йўлидаги оммавий ҳаракат кучайтирилсин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, министрликлар ва идоралар СССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими давлат комитети ва СССР Госпланн зиммасига ҳунар-техника таълими билим юртлари бинолари қурилишини яхшилаш, шу мақсад учун ажратилган маблағларни тўла ўзлаштириш, билим юртларини ўз вақтида ишга туширишга, шунингдек хусусан қишлоқ жойларда ётоқхоналар қурилишини кенгайтириш чораларини кўриш мажбуриятини юкладилар. Билим юртлари бинолари ҳамда ишчилар синфининг лойиҳасини тузиш ва уларни қуришда таълим устахоналари ётоқхоналар, маданий-маиший ва спорт иншоотлари комплексини вужудга келтириш керак.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорида ҳунар-техника таълимини янада ривожлантириш, ўрта ҳунар-техника билим юртлари шахобчаларини бутун чоралар билан кенгайтириш муҳим ижтимоий ва халқ хўжалиги вазифаси эканлиги таъкидлаб ўтилади ва партия совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, министрликлар ва идоралар ҳунар-техника таълими органлари ва билим юртлари ишчилар синфининг муносиб ўринбосарларини, коммунистик қурилиш планларини амалга ошириш учун актив курашчиларни тайёрлаш ҳамда тарбиялашни яхши йўлга қўйиш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўрадилар, деб ишонч билдирилади.

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ

КПСС XXIV съезди қарорлари асосида ҳамда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик муносабати билан ғоявий-тарбиявий ишларга доир масалаларга бағишлаб, КПСС Марказий Комитетида ўтказилган идеология ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши 28 июнда ўз ишини тамомлади.

«КПСС XXIV съезди қарорлари — партия ташкилотлари идеология ишининг жанговар программаси, деган мавзуда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига номзод, КПСС Марказий Комитети секретари Ўрток П. Н. Демичев доклади юзасидан 27 ва 28 июнда бўлиб ўтган музокараларда Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. Н. Имашев, «Правда» газетасининг бош редактори М. В. Зимянин, КПСС Свердловск область комитетининг секретари Л. Н. Пономарев, Литва Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Баркаускас, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Г. Хачатрян, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, СССР Министрлар Совети телевидение ва радио эшиттириш Давлат Комитети раиси С. Г. Лапин, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети секретари Д. П. Гулиев, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг директори П. Н. Федосеев, КПСС Челябинск область комитетининг секретари М. Ф. Ненашев, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг секретари П. К. Лучинский, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. М. Марков, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. И. Вяляс, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министри В. П. Елютин, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Раҳимова, СССР Маориф министри М. А. Прокофьев, КПСС Новосибирск область комитетининг секретари М. С. Алферов, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. А. Готсчайшвили, Украина Компартияси Донецк область комитетининг секретари П. А. Пономарев, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Матбуот Комитетининг раиси Б. И. Стукалин, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ч. А. Отаев, КПСС Бошқирдистон область комитетининг секретари Т. И. Ахунзянов, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Б. Т. Муроталиев сўзга чиқдилар.

Кенгаш иштирокчилари шу кунинг асосий сиёсий вазифаси КПСС XXIV съезди қарорларини муваффақиятли равишда амалга оширишдан иборат эканлигини уқтириб ўтдилар. Олдимизда турган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши хўжалик, маъмурий ишимизни меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш билан тўла ва чуқур ўйлаб олиб бора билишимизга боғлиқдир, деб таъкидланди кенгашда.

Кенгашда СССР тузилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар юзасидан кенг фикрлашиб олинди.

Сўзга чиққан нотиқлар буржуа идеологиясига ва кишилар онгидаги капитализм қолдиқларига қарши курашни янада кучайтириш, меҳнаткашларни, айниқса, ёшларни ғоявий-сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашни такомиллаштириш зарур эканлигини айтдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг КПСС XXIV съездида қилган докладида таъкидлаб ўтилганидек, империалистик пропаганданинг мафкуравий чиқишларига ўз вақтида кескин зарба бериш, социалистик жамият тўғрисидаги, совет турмуш тарзи тўғрисидаги, мамлакатимизда коммунизм қурилиши тўғрисидаги ҳақиқатларни юз миллионлаб кишилар онгига етказиш пропаганда, агитация-оммавий соҳа ходимларининг бурчидир.

П. Н. Демичев кенгашда якунловчи нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети секретари И. В. Капитонов қатнашдилар.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА АЛКОГОЛИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Бошн 1-бетда)

III. СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

8. Савдо корхоналарининг ходимлари ароқ ва бошқа спиртли ичимликлар билан савдо қилишнинг белгиланган тартибда тасдиқланган қоидаларини бузганликлари учун ўн сўмдан йигирма беш сўмгача миқдорда штраф солишга ёки интизомий ёхуд жамоат таъсири кўрсатиш чораларини қўлланишга сабаб бўлади. Штраф меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ, посёлка Советлари, уларнинг ижроия комитетлари томонидан ёки меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар, қишлоқ, посёлка Советларининг ижроия комитетлари маъмурий комиссиялар томонидан солинади.

Ўша ҳатти-ҳаракатлар қайта содир этилган тақдирда, мол-мулки мусодара қилинмаган ёки мусодара қилинмаган, уч йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ва жазоланади.

Самогон ёки бошқа ўткир спиртли ичимликларни уйда тайёрлашга ёрдам берган (жой, аппарат, транспорт воситалари берган, ғалла, картошка, лавлари ва шу каби ларни сотган) шахслар иштирокчилар сифатида жиноий жавобгарликка тортиладилар.

12. Самогон, чачи, ароқ, тут ароғи, брага ва бошқа хонаки ўткир спиртли ичимликларни сотиб олишда қўлга тушган шахсларга ўн сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солинади ёки бу шахслар тўғрисидаги материаллар қараб чиқиш учун қонунбузар ишлаб, ўқиб ёки яшаб турган жойдаги жамоат ташкилотига, меҳнаткашлар коллективига ёки ўртоқлик судига юборилади.

Бу штраф меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ, посёлка Советлари, уларнинг ижроия комитетлари ёки меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар, қишлоқ, посёлка Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар томонидан солинади.

Самогон ва бошқа хонаки ўткир спиртли ичимликлар милиция органлари томонидан тортиб олиниб, йўқ қилиб ташланади.

V. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ МАСТ ҲОЛАТДА БОШҚАРГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

13. Автомототранспорт, шаҳар электротранспорти, тракторлар ёки ўзюрар бошқа машиналар сингари транспорт воситаларининг ҳайдовчилари бу транспорт воситаларини маст ҳолатда бошқарганликлари учун уларга ўн сўмдан ўттиз сўмгача миқдорда штраф солинади ва улар икки йилгача муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш муддати ўтгандан кейин беш йил ичида транспорт воситаларини яна маст ҳолатда бошқарганлик ўн сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга ва икки йилдан беш йилгача муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

Бу жазолар Давлат автомобиль инспекцияси бўлими (бўлинмаси) ёки меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Совети ижроия комитетининг ички ишлар бўлими томонидан берилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маъмурий тартибда маҳрум этилган шахс меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб, намунали ҳулқи билан ўзини кўрсатган тақдирда, бундай қарор қабул қилган органлар унга белгиланган муддатнинг камида ярми ўтганидан кейин корхоналар, муассасалар маъмурияти ёки жамоат ташкилотлари тавсияси билан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсинг қолган жазо муддатини қисқартиришлари мумкин.

14. Маст ҳолда бўлган ва транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс автомототранспорт ёки шаҳар электротранспорт воситасини, трактор ёки бошқа ўзюрар машинани бошқаргани учун бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш иши бидан ёхуд юз сўмгача миқдорда штраф солиш билан жазоланиб, беш йилгача муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

15. Маст ҳолда бўлган ва ҳайдовчилик ҳуқуқига эга бўлмаган шахснинг автомототранспорт ёки шаҳар электротранспорти воситасини, трактор ёки бошқа ўзюрар машинани бошқарганлиги эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади. Бу штраф давлат автомобиль инспекцияси бўлими (бўлинмаси) ёки меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Совети ижроия комитетининг ички ишлар бўлими томонидан солинади.

Ўша ҳатти-ҳаракатлар бир йил мобайнида яна қайта содир этилса бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд юз сўмгача миқдорда штраф солиш билан жазоланади.

VI. СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАРНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛУВЧИ ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЛАЁҚАТИНИ ЧЕКЛАБ ҚЎЙИШ ВА УЛАРНИ МАЖБУРИЙ ДАВОЛАШ

16. Спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш орқасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўйган шахс суд томонидан ҳуқуқий лаёқати чекланиб, унинг устидан ҳомийлик тайинланиши мумкин. Бундай шахс ўз мол-мулкини тасарруф қилиш юзасидан битимлар тузиши, шунингдек ўз иш ҳақини, пенсиясини ёки бошқа даромад пулларини олиши ва уларни майда маиший битимлардан ташқари, фақат ҳомийнинг розилиги билангина тасарруф қилиши мумкин.

17. Ихтиёрий равишда даволанишдан бўйин товлаган ёки даволаниб чиққанидан кейин ҳам ичкиликбозликни давом эттирган, жамоат ёки маъмурий таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилганлигига қарамай, меҳнат интизомини, жамоат тартибини ва социалистик турмуш қоидаларини бузишда давом этган хроник алкоголиклар мажбурий даволаниш ва меҳнатда қайта тарбияланиш учун бир йилдан икки йилгача бўлган муддатга даволаш-меҳнат профилакторийларига юборилсин.

Мазкур шахсларни профилакторийга юбориш масаласи жамоат ташкилотлари, меҳнаткашлар коллективлари ёки давлат органларининг ёхуд шу шахсларнинг онла аъзолари тавсияси билан ҳамда медицина хулосаси бўлган тақдирда район (шаҳар) халқ суди томонидан кўриб чиқилади.

VII. ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ОЛИБ БОРУВЧИ КОМИССИЯЛАР

18. Давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ичкиликбозликка қарши кураш олиб боришга қаратилган фаолиятини координациялаш, шунингдек ичкиликбозликнинг олдини олиш ва унинг кўринишларига барҳам бериш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар, область Советларининг ижроия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида комиссиялар тузилсин. Бу комиссиялар меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг ижроия комитетлари ҳузурида ҳам тузилиши мумкин.

Ўзбекистон СССР Министрлар Советига ичкиликбозликка қарши кураш олиб борувчи комиссиялар тўғрисидаги Низом лойиҳасини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига тақдим этиш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ,

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари номидан Президиум аъзоси Ҳ. АСОМОВ.

1972 йил 29 июнь. Тошкент шаҳри.

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ ТОВАРЛАРИ, САВДО ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ СЕССИЯСИДАН

Илгари хабар берганимиздек яқинда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ **И. И. Маматисаев** «КПСС XXIV съезди қарорлари асосида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш чоралари тўғрисида» доклад қилди.

— Область Советининг сессияси,— деди докладчи,— ажойиб кунларда, барча совет халқи билан бир қаторда областимиз меҳнаткашлари Советлар Иттифоқининг ташкил топганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўраётган, мамлакатимиз бўйлаб беш йилликнинг иккинчи йили топшириқлари ва мажбуриятларини муддатидан олдин, бажариш учун социалистик мусобақа авж олдирилган бир шароитда ўтмоқда. КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини бажариш учун бошланган умумхалқ курашига областимиз саноатчилари, пахтакорлари ва пиллакорлари савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш ходимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Саноат ходимлари маҳсулотни реализация қилиш ҳамда муҳим турдаги буюмларни ишлаб чиқариш ярим йиллик планини муддатидан илгари бажаришга эришдилар. Планга қўшимча равишда 15 миллион сўмликдан ортиқроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Меҳнатсевар қишлоқ хўжалиги ходимлари эса бу йилги баҳорнинг инжиқлигини енгиб, пилла қурти боқишни яхши уюштирдилар. Давлатга пилла сотиш бўйича йиллик план ва мажбуриятни муддатидан олдин муваффақият билан адо этишди. Бу муваффақиятлар юбилей йили топшириқларини шараф билан бажаришимизга катта ишонч туғдиради.

Саноатда, қишлоқ хўжалигида қўйилгчи хўжаликнинг ҳамма соҳаларида қўлга киритилган ва киритилаётган ютуқлар КПСС XXIV съезднинг меҳнаткашлар фаровонлигини янада ўстиришни таъминлаш, соҳасида қўйилган вазифаларни бажариш йўлида яна бир катта муҳим қадам бўлади. Совет кишиларининг турмуш даражасини янада ўстиришдек муҳим вазифани ҳал этишда халқ кенг истеъмол товарларини ишлаб чиқариш саноат корхоналарининг роли алоҳида ўрин эгаллайди.

Областимизда ҳозирги кунда, дейди нотиқ,— олтмишдан ортиқ саноат корхонаси аҳоли учун йилига 270 миллион сўмликдан кўпроқ миқдорда товарлар ишлаб чиқармоқда. Кейинги икки йил ичида Оққўрғон рўзғор кимияси заводи, Ангрен керамика комбинатида кенг истеъмол моллари цеҳи, Янгибозор пахта фабрикаси, Ғазалкент мармар заводи, Ғазалкент консерва заводида шарбат одиш линияси каби халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарадиган янги қувватлар фойдаланишга топширилди.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш беш ойлик плани 104 процент бажарилди. Ўтган йилнинг ана шу даврига қараганда ишлаб чиқариш 11 процент кўпайди. Планга қўшимча 4,5 миллион сўмлик гўшт, ёғи олинмаган сут маҳсулотлари, консервалар, чарм пойафзал ва бошқа хил товарлар ишлаб чиқарилди.

Янги беш йилликда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарадиган саноат ходимлари олдида янада масъулиятли ва шарафли вазифалар турибди. Беш йиллик охиригача тикув ва трикотаж буюмлари, пойафзал, мебель ва бошқа хил халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш кескин даражада кўпаяди. Тўйтепа мебель фабрикаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида уй-рўзғор асбоблари ишлаб чиқарадиган цех қурилиши бошлаб юборилади. Келаси йилдан Ўзбекистон металлургия заводида сирланган идишлар ишлаб чиқариш цехи ишга туширилади. Буларнинг барчаси оммабоп товарлар ишлаб чиқаришни яхшилаш, ассортиментни кенгайтириш ва аҳолининг истеъмол моллариг бўлган эҳтиёжларини кенгроқ қондириш имконини беради.

Лекин шу билан бирга,— дейди докладчи,— корхоналарда товар ишлаб чиқаришни максимал кенгайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш учун мавжуд резервлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланилмаяпти. Айрим корхоналар халқнинг талабини ҳисобга олишмаяпти.

Халқимизнинг кенг истеъмол молларига бўлган талабларини қондириш, маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириш мақсадида беш йиллик давомида кўпгина амалий тадбирларни бажариш кўзда тутилади. Бешйиллик давомида маҳаллий саноат корхоналарида 13 та механизациялашган поток линия жорий этилади, 180 дан ортиқ янги юқори унумли асбобускуналар ўрнатилади. Беш йиллик охирига бориб маҳсулот ишлаб чиқариш 35,8 миллион сўмга етказилади. Ёки 1970 йилдагидан 2,6 баравар кўпроқ пишиқ гўшт, 3,3 баравар устки трикотаж, 4,3 баравар мебель, 6 миллион сўмлик тикув буюмлари, 2 минг донадан алюминий идишлар ишлаб чиқарилади.

Халқимизнинг турмуш даражасини янада юксалтириш кўпроқ савдо ва хизмат маданиятини оширишга боғлиқдир.

Кейинги икки йил давомида областимиз савдоси ташкилотларининг моддий-техника базаси анча ривожланди. Давлат савдоси системасида 5105 квадрат метр сатҳли 34 та магазин, 2046 ўрандагса мўлжалланган 22 та умумий овқатланиш корхонаси қуриб ишга туширилди. Матлубот кооперация системасида эса 42 та савдо ва умумий овқатланиш объектлари фойдаланишга топширилди. Ўтган бир йил мобайнида давлат савдосида 20 та магазин ўз-ўзига хизмат қиладиган метод асосида ишлашга кўчирилди. 10 та магазинда озиқ-овқат молларига олдиндан буюртма қабул қилиш йўлга қўйилди. 9 та магазинда товарлар харидорлар уйларига етказиб бериладиган метод қўлланди.

Лекин шуни таъкидлаб ўтиш керакки, савдо ташкилотларининг раҳбарлари ўз ишларини ҳали ҳам харидорлар талаблари даражасида ташкил эта билишмаяпти. Уларнинг талаб ва истаклари ўз вақтида ҳисобга олинмайди. Кўпчилик магазинларни товарлар билан таъминлаб туриш яхши йўлга қўйилмаган. Шунингдек, умумий овқатланиш корхоналарида ҳам катта резервлар борки, улардан ҳали ҳам тўла фойдаланилаётгани йўқ. Бир қатор районларда ярим фабрикатлар, кулинария ва кондитер маҳсулотлари, мороженое ва совуқ ичимликларни сотиш яхши йўлга қўйилмаган. Айниқса, дала шийпонларида умумий овқатланишни ташкил этиш ва намунали савдо хизмати кўрсатиш ишлари бугунги талабга жавоб бермайди. Шу билан бирга кўпгина савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида санитария нормадари ва қоидалари қўпол равишда бузилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ёмон аҳволда.

Область маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва уларнинг қувватлари ҳам кенгайиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида бу соҳа янгидан учта икки қаватли маиший хизмат кўрсатиш уйи билан бойитилди. Эндиликда фақат район марказларидагина эмас, балки қишлоқ ва посёлкаларда ҳам шундай маиший хизмат кўрсатиш уйлари ишлаб турибди. Ўтган бир ярим йил давомида маиший хизмат тармоғи маҳаллий Советлардан ажратилган уйлар ҳисобига 1300 квадрат метр майдонга кенгайди. Колхоз-совхозларнинг маблағи ҳисобига район комбинатларига 2502 квадрат метр майдон ёки 42 та бино ажратиб берилди. Бу биноларда кабул пунктлари ҳамда маиший хизмат устахоналари қишлоқ аҳлига хизмат кўрсатади. Шу йилнинг беш ойи ичида эса яна 190 квадрат метрли 8 та бино ажратиб берилди.

Лекин шунга қарамай сессияда маҳаллий саноат, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш суръати халқимизнинг бугунги юксак талабига ҳали ҳам етарли жавоб беролмаётганлиги сабаблари очиб ташланди. Бу тармоқларнинг ҳозирги аҳволи моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш майдонларини янада кенгайтиришни талаб қилади. Афсуски, анз шундай мақсадлар учун қурилаётган объектлар сабабсиз чўзиб юборилмоқда. Жумладан Паркентдаги тикувчилик фабрикаси. Олмалиқдаги электротехника ўйинчоқлар заводининг қурилиши ачинарли аҳволда. Янгийўлдаги мебель фабрикаси, Чирчиқ гўшт комбинати қурилиши ҳам шу кунга қадар бошланганги йўқ.

Бу фактлар айрим маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари муҳим ва масъулиятли участка ишини яхшилашда ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланмаётганлигини кўрсатади.

Беш йилликнинг иккинчи йили планлари ва коллективлар томонидан олинган социалистик мажбуриятларни муваффақият билан амалга оширишлари учун илғор тажрибаларни доимо кенг ёйиб бориш, юқорида қайд қилинган нуқсонларни тугатиш чораларини топиш лозим.

Шу масала юзасидан область Совети саноат бўйича доимий комиссиясининг раиси **К. М. Тимофеев** қўшимча доклад қилди.

Музокараларда Янгийўл шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси **З. Ф. Эрназаров**, Бўка район партия комитетининг иккинчи секретари **А. А. Варасов**, Ангрендаги 6-қурилиш бошқармасининг комплекс бригадаси бошлиғи **М. И. Терехова**, Ўзбекистон металлургия заводи партия комитетининг секретари **А. С Иброҳимов**, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари **А. А. Аникин**, Юқори Чирчиқ район Сўқоқ қишлоқ Советининг раиси **С. Абдухаринов**, Ўрта Чирчиқ район Совети ижроия комитетининг раиси **А. Э. Назаров** ўртоқлар сўзладилар. Сессияда доимий комиссия раиси ўртоқ **Ж. М. Маликов**нинг социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш ҳақидаги ҳисоботи ҳам муҳокама қилинди.

Сессияда область Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ **С. А. Асомов** сўзга чиқди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Сессия ташкилий масалаларни ҳам кўриб чиқди.

У. Р. Бузруков бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан область Совети ижроия комитетининг секретари вазифасидан озод қилинди. Область Совети ижроия комитетининг секретари қилиб депутат **Қ. Ҳидоятов** сайланди.

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

ПАРТИЯ МАОРИФИДА ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ ЯКУНЛАРИ

Сиёсий маориф системасида 1971—72 ўқув йили пойтахтдаги канап фабрикасида коммунистлар ва партиясиз активларнинг катта жодий кўтаринкилиги билан ўтди. КПСС XXIV съездининг тарихий қарорлари бутун коллектив ғоявий-сиёсий ҳаётида чуқур из қолдирди, ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг меҳнат активлигини оширди, уларни янги зафарларга чорлади. Партия ташкилоти сиёсий ўқувнинг коммунистлар, коллективнинг барча аъзолари онгини ўстиришга, ғоявий етуклигини таъминлашга ёрдам бериши учун анчагина ишлар қилди.

Фабрикада барча коммунистлар ва партиясиз активлар сиёсий ўқувга жалб этилди. Улар учун 2 та бошланғич сиёсий мактаб, 4 та марксизм-ленинизм асослари мактаби ишлаб турди. Бу мактабларда 80 га яқин киши ўз билимини оширди. Шунингдек, 60 тингловчи 2 та халқ сиёсий мактабларида ўқиди. Партия ташкилоти ўқувнинг оммавий формасига алоҳида эътибор берди. Фабрикада 160 тингловчини жалб этган иқтисодий билимлар халқ университети ишлади. Ишлаб чиқаришнинг пешқадам ишчилари, мастерлар коммунистик меҳнат мактабида таълим олдилар.

Партия ташкилоти бутун ўқув йили мобайнида ҳар бир тингловчининг сиёсий ва ғоявий ўсишини қатъий назорат қилиб борди. Партия ташкилотининг секретари Ф. А. Мангутова ва бюро аъзолари сиёсий мактабларнинг машғулотларида қатнашдилар, тингловчилар ва пропагандистларга назарий ва методик ёрдам бериб турдилар.

Машғулотларнинг уюшқоқлик билан ўтишида пропагандист кадрлар катта роль ўйнади. Партия ташкилоти Ю. З. Вундер, Х. В. Медведев, И. Н. Варанин, Н. Н. Черепенников сингари пропагандистлик ишига меҳр қўйган, яхши ташкилотчи, сиёсий-назарий билими пухта, жамоат ишларидан хабардор бўлган ўртоқларни танлаб, фабрикада сиёсий ўқув тақдирини уларнинг қўлига топшириб берди.

Партия ташкилоти ва пропагандистлар сиёсий ўқув йилининг ишлаб чиқаришга жиддий тайёргарлик кўрдилар. Якунловчи машғулотларга қандай тайёрланиш масаласи даставвал партия бюроси мажлисида махсус муҳокама қилинди. Пропагандистлар ўтилган машғулотлар бўйича саволлар рўйхатини тузиб чиқдилар. Айрим темалар бўйича қўшимча машғулотлар ўтказилди, консультациялар ташкил этилди.

Сиёсий мактабларнинг кўпчилигида якунловчи машғулотлар юксак ғоявий савияда ўтди. Бу машғулотлар тингловчилар ўқув материалларини яхши ўзлаштирганликларини кўрсатди.

Н. Н. Черепенников пропагандист бўлган бошланғич сиёсий мактабда якунловчи машғулот «КПСС XXIV съезди иқтисодий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тўғрисида» темаси бўйича ўтказилди. «Мамлакат иқтисодий тараққиётининг хусусиятлари» деган биринчи масала юзасидан фабрика инструктори Н. М. Зефирова сўзлади. У мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти бир қанча хусусиятларга эга эканлигини, шундай хусусиятлардан бири — ҳозир мамлакатимиз иқтисодий ривожланишнинг кенг кўламига кирганлигини таъкидлаб ўтди. Ҳозир мамлакатимиз шундай катта иқтисодий кучга эгаки, деди у, кўп тармоқли индустрия ва йирик социалистик қишлоқ хўжалиги, илғор фан, малакали ишчи, мутахассис, хўжаликларнинг раҳбар кадрлари бу қудратнинг негизини ташкил этади. Мамлакатимиз экономикаси юксак суръатлар билан ривожлана борибгина, жуда катта муваффақиятларга эришди. Шуни айтиб ўтиш кифояки, мамлакатимиз бир кун ичида қарийб 2 миллиард сўмлик ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Тингловчи мамлакат иқтисодий тараққиётининг бошқа хусусиятларини ҳам мисоллар асосида атрофлича тушунтириб берди.

Якунловчи машғулот темасининг бир қанча масалаларини мастер В. И. Бақоев, ишчи Р. Б. Максимова, фабрика инструктори А. Хайбуллаева ёритиб бердилар. Айниқса А. Н. Фёдорова билан савол-жавоб қизиқарли ва мазмунли бўлди. Унга: «Сиз, тола таровчи сифатида, ўз иш жойингизда асосий фондларнинг самарадорлигини ошириш учун нималар қила оласиз?»— деган савол берилди. У фондлар самарадорлигини ошириш учун тараш машиналаридан интенсив фойдаланиш керак, бордию мен бир машина ўрнига икки машинада хизмат қилсам, ишлаб чиқариш нормасини анча ортиги билан адо этаман, деган жавоб берди.

Тингловчилардан С. Е. Предко, Н. Ф. Забражиов, Ф. Н. Колобова ўртоқлар ҳам саволларга атрофлича жавоб қайтардилар. Машғулот охирида пропагандист Н. Н. Черепенников ўқув йилига якун ясади, йил мобайнида тингловчилар ўқувга жиддий муносабатда бўлганликлари, уларнинг иқтисодий билимлари анча кенгайганлигини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг тингловчиларга ёзда ўқиш учун адабиётлар рўйхатини берди.

Шунингдек, бошқа сиёсий мактабларда ҳам якунловчи машғулотлар қизиқарли, уюшқоқлик билан ўтди. Машғулотларда тингловчилар ғоят актив иштирок этдилар.

Коммунистлар ва партиясиз активларнинг марксизм-ленинизм назарияси билан қуролланиб бораётганлиги, назарий масалалар фабрика ҳаётига оид конкрет вазифалар билан қўшиб ўрганилаётганлиги уларнинг сиёсий ва иқтисодий билимларини чуқурлаштириш, маънавий дунёсини бойитишга ёрдам бермоқда. Тингловчиларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш топшириғини ортиғи билан адо этмоқда, турмушда бошқаларга намуна кўрсатмоқда. Уларнинг кўпчилиги коммунистик меҳнат зарбдори деган номни олишга сазовор бўлган, ҳозирги вақтда СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақанинг энг олдинги сафларида боришмоқда.

1971 йили фабрика коллективи янги техника ва илғор технологияни жорий этиш, ишни яхши ташкил этиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини анча ўстиришга муваффақ бўлди. Унумдорлик 1970 йилга нисбатан 9,7 процент ортиқ бўлди. Товар маҳсулотини реализация қилиш планини 100.9 процент бажарилди. Планга қўшимча 181 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Йил мобайнида пландан ташқари 392 минг сўмлик фойда олинди. Коллективнинг бу йилги меҳнат зафарлари ҳам кишини қувонтиради. Беш ой мобайнида маҳсулотни реализация қилиш ҳажми бўйича план 104,7 процент бажарилди. Планга қўшимча 429 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан 8,2 процент ўсди, товар маҳсулотнинг таннархи 242 минг сўмлик камайтирилди, планга қўшимча 336 минг сўмлик фойда олинди. Кейинги бир ярим йил ичида ишгирув цехида 25 та ПС-232-Л маркали ва 8 та ЛЧ-3-ПД маркали янги машина ўрнатилди. Янги машиналар йигирувчиларнинг иш шароитини енгиллаштиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга ёрдам бермоқда.

Коллективнинг меҳнатдаги муваффақиятлари муносиб тақдирланмоқда. Республика пахта тозалаш саноати корхоналари коллективларининг социалистик мусобақаси якунларига кўра, 1972 йил биринчи квартали учун канап фабрикаси биринчи ўринни эгаллади. Унга Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлиги ҳамда енгил ва тўқимачилик саноати ишчилари касаба союзи республика комитета президиумининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

Оммавий касб ишчиларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси натижаларига кўра, СССР енгил саноат министрлиги коллегиясининг қарорига биноан 1971 йилда аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарганлиги ва юксак меҳнат унумдорлигига эришганлиги учун фабрика йигирувчиси Л. Л. Галкина ва тўқувчи Н. Н. Ковригина ўртоқларга «Тўққизинчи беш йиллиннинг энг яхши енгил саноат ишчиси» фахрли унвони, диплом ва пул мукофоти берилди.

Канап фабрикасининг пропагандистлари тингловчиларни ишлаб чиқариш масалаларига ижодий муносабатда бўлиш руҳида тарбиялямоқдалар. Пропагандист Н. Н. Черепенников группасидаги тингловчилардан мастер В. Н. Колобова ва В. И. Бақоев фондлар самараси масаласини ўрганиб, ўз участкаларида ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисоблаб чиқдилар. Пропагандист И. Н. Варанин группасида шлихталовчи Т. Н. Селина, мастер ёрдамчилари В. И. Мальцев ва И. У. Музаффаров хом ашё ва материалларни иқтисод қилиб қолишга қаратилган бир қатор таклифлар киритдилар.

Кўпчилик тингловчилар ўз участкаларида яхши ишлаб билан бирга фабриканинг жамоат ҳаётида актив иштирок этмоқдалар, фойдали таклифлар киритмоқдалар. Масалан, тингловчилардан Ш. В. Зилеберминеч ва Ю. Г. Осокин АТП-290 автоматини модернизациялаштирдилар.

Янги беш йилликда коллектив олдида катта вазифалар турибди. Беш йиллик планига асосан 1975 йилга борибгина, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 16,4 процент ўсиши зарур. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг 86 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади. Ўроб газламаси ишлаб чиқариш 20 миллион квадрат метрга етказилади.

Фабрика коллективи ўз олдида турган бу юксак вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун ҳамма имкониятларга эга. Ҳозир корхонада СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора авж олмоқда.

К. ЖУМАНИЕВОВ.
Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг инструктори.

▲ СССР ташкил этилганлигининг ярим асрлик тўйини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олишга бел боғлаган Тошкент ойна фабрикаси коллективи зафар кетидан зафар қучмоқда. Корхона аҳлининг бундай муваффақиятида кунлик тоширириқларни 130—150 процентга етказиб адо этаётган (ўнгда): жойлаштирувчилар Мўътабар Зуфарова ҳамда Рихси Абдураимовларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Шонли сана муносабати билан фабрикада бошланиб кетган социалистик мусобақада Худойберди Муҳамедов смена мастери бўлган ойнасозлар айниқса баракали меҳнат қилишяпти. Мастерининг ўзи касбдошларига ўрнак кўрсатиб, кунлик плани бир ярим, икки бараварга бажармоқда. Суратда: ўртоқ Х. Муҳамедов тошойнага ишлов бермоқда.

Ф. АБДУРАСУЛОВ фотолари.

ЗАМОН ТАҚОЗОСИ

Фан ва техниканинг тез тараққий этаётгани халқ хўжалигини муваффақиятли бошқариб борувчи, меҳнат ва политехника билимларини мукаммал эгаллаган мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни янада оширади. Бунинг учун ёшларни ўқувчилик давридаёқ ҳаётга тайёрлаб бориш, касб-ҳунар ўргатиб, қўлидан бирор иш келадиган кишилар қилиб чиқариш катта аҳамиятга эга.

Ўтган ўқув йилида республикамиз мактабларини 180 минг га яқин ўқувчи битириб чиқди. Улардан 43.500 киши турли олий ўқув юртларида ўқимоқда.

Бизда касбларнинг тури кўп, уларнинг ёмони бўлмайди. Лекин, касбларни яхши ўзлаштириб олмаган ёшлар йўқ дейсизми? Шу сабабли улар иш жойларини тез-тез ўзгартириб турадилар. Бундайларни, иши унумсизнинг жойи қунимсиз дейдилар.

Баъзи ёшлар қурувчилик ёки тракторчиликни «қора касб» деб менсимайдилар. Аслида, шундайми? Гап касбнинг қанақалигида эмас, уни севишда ва уддалай олишда. Шу «қора касб» орқали ўз бахтларини топган ва ҳозирги вақтда республикамизнинг энг донгдор кишилари бўлиб етишган кишилар оз эмас.

— Ўспиринлигимда механизаторликка ишқим тушиб қолди, — дейди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қурбон Кенжаев. — Бу ишқ мени тракторчилар тайёрлаш курсига етаклаб келди. Курсни тугатиб, ўз колхозимга қайтиб келдим ва шу йилнинг ўзидаёқ комплекс механизациялаштирилган бригадага бошчилик қилдим. Дастлабки йилларда кам ҳосил ли 45 гектар ернинг ҳар гектаридан 23 центнердан »оқ олтин» олган бўлсак ўтган йили ҳосилдорликни 45 центнергача кўтардик.

«Зангори кема» ҳам қўл келди. Мавсум охиригача бункерлардан тўкилган «Оқ олтин» 250 тоннадан ҳам ошиб кетди. Механизаторлик мен учун ғоят шарафли касб. Чунки, шу касб орқали ўз бахтимни топдим.

Кўринадики, ҳар бир киши ўз касбини севишгина қолмасдан, уни улуғлаши ва у билан фахрланиши зарур. «Ҳунари йўқ кишининг, мазаси йўқ ишининг», «Касбингни севсанг, у сени улуғлайди» деган мақол бежиз айтилмаган.

Касб зарурият асосида вужудга келади, ҳар бир ёш жамиятимизнинг ўсиши учун зарур бўлган касбларнинг биринчи танлайди. «Ҳаётга кириб келаётган йигит ва қизлар ўзларига қандай касбни танлаб олмасинлар, актив иштирокий фаолиятга тайёрланадилар. Аслини олганда, бу фаолият мактабдан бошланади. Ўқувчилар бажарадиган оддий ишлардан бошланади, шундан сўнг катта ҳаётга дастлабки қадамлар қўйилади», деб мактабнинг ёшларни ҳаётга тайёрлашдаги ролига юксак баҳо берган эди ўртоқ Л. И. Брежнев.

Аммо, айримлар: «Ўқувчиларни касбга тайёрлаш мактабнинг вазифасига кирмайди. Бунинг учун махсус техникум ва ҳунар-техника билим юртлари мавжуд. Мактаб ёшларга умумий маълумот бериш билан шуғулланиши зарур», дейдилар. Бундай фикрларга қўшилиб бўлмайди, албатта. Чунки, совет мактаби меҳнат ва политехника мактаби деб бекорга айтилмайди-ку! У ёшларга барча фанлар асосида умумий маълумот бериш билан бир вақтнинг ўзида муносиб ўринбосарлар ҳам тайёрлайди.

Ҳозирги вақтда республикамизнинг 60 та мактабида автомобиль ишларини, 50 мактабда пахта териш техникасини, 75 мактабда эса тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини бошқаришни ўрганиш йўлга қўйилганлиги фикримизнинг исботи бўла олади.

Мактабда ўтилаётган ҳамма фанлар ўқувчиларни ҳунарга ўргатишнинг асосий манбандир. Ҳар бир ўқитувчи ўз фанини тушунтириш жараёнида ўқувчиларнинг маълум соҳага бўлган қизиқишларини ошириб боради. Бу ўринда мактабларда ўқитиладиган меҳнат дарслари, дурадгорлик, слесарлик, токарлик, тикувчилик, турли хил касб-ҳунар тўгараклари, факультатив машғулотлар асосий роль ўйнайди.

Кўпинча, ҳар бир ўспирин олдида 8-синфни битиргач, ўқишни яна давом эттирсамми ёки ҳунар-техника билим юртларига кириб, бирор касб-ҳунар эгаси бўлсамми? деган савол туғилади. Баъзан, улар ўз ҳаёт йўлларини белгилашда иккиланишади. Бундай пайтда ўқитувчи ва ота-оналарнинг фойдали маслаҳатлари зарур бўлади.

Биз юқорида ўқувчиларнинг касбга бўлган қизиқишларини ўқитувчининг меҳнат фаолияти билан боғладик. Ўқитувчининг дарсни ҳар доим тушунарли, мазмунли қилиб ўтиши ўқувчиларда шу фанга нисбатан қизиқиш уйғота боради, агар ўқувчида шу соҳага нисбатан бўлган қизиқиш такомиллашти рилиб борилса, демак ҳаётга мустақил қадам қўяётган ҳар бир ёш учун мақсад аниқ. Касб танлашда ҳеч қандай иккиланишларга ўрин қолмайди.

Ёки бўлмаса, синф раҳбари, ўқитувчи бир хил ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалик, дурадгорлик, слесарлик ишларига мойиллиги борлигини сезади. Бундай ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар олиб бориш ҳам яхши натижалар беради. Хуллас, ҳар бир ўқитувчи: у тарихчими, адабиётчими ёки математика, биология, меҳнатдан дарс берадими, бундан қатъий назар ўқувчиларда ўз фанига нисбатан ҳавас уйғота олсин! Ўқитувчининг қадр-қиммати ҳам ўзи етиштираётган шогирдларининг сони ва уларнинг иши билан белгиланади.

Асосий мақсад, ўқувчиларда даставвал бирор ҳунарга нисбатан қизиқиш уйғотиш ва кейинчалик уни такомиллаштириб, ниҳоясига етказишдан иборатдир.

Хуллас, ёшларга касб-ҳунар ўргатиш масаласи тор доирада олиб бориладиган иш бўлмай, мактаб, ота-она, ишлаб чиқариш ташкилотлари ва кенг жамоатчиликнинг вазифасидир. Ҳамма имкониятлардан фойдалангандагина, барча кучлар бирлашгандагина коммунизм қурувчиси бўлган ёшларга мустаҳкам, пухта билим бериш билан бирга, уларни ҳаётга, касб-ҳунарга тайёрлаб борамиз. Партия ва ҳукуматимизнинг ҳозирги талаби ҳам шу.

Қ. ҚИЛИЧЕВ.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

К. ВАЛЬДХАЙМ ЖЕНЕВАГА КЕЛДИ

ЖЕНЕВА. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари К. Вальдхайм Женевага келди.

К. Вальдхайм аэродромда сўзлаган нутқида яқин кунлар ичида доктор Ярринг билан учрашажагини айтди. Доктор Ярринг К. Вальдхайм билан учрашмоқ учун Москвадан бу ерга келади. Улар бу учрашувда Яқин Шарқдаги вазиятни ва Ярринг миссиясини тиклашнинг имкониятларини муҳокама қиладилар.

ҲИНДИСТОН БИЛАН ПОКИСТОН ЎРТАСИДАГИ МУЗОКАРАЛАРГА ДОИР

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистоннинг Химачал Прадеш штатидаги Симла шаҳрида Ҳиндистон билан Покистон раҳбарлари ўртасида музокаралар бошланди. Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди шу ерга келди.

Индира Ганди Деҳлидан жўнаб кетиш олдидан Покистоннинг «Доон» газетаси мухбири билан қилган суҳбатида Ҳиндистон ҳар икки мамлакат ўртасида узоқ муддатли тинчлик ўрнатишга олиб борадиган ҳар қандай йўлни муҳокама қилишга ва Покистон билан келгуси муносабатлар учун мустаҳкам пойдевор яратишга тайёр эканлигини айтди.

РАВАЛПИНДИ. (ТАСС). Президент З. А. Бхутто И. Ганди билан музокаралар олиб бориш учун Ҳиндистонга жўнаб кетиш олдидан радио орқали сўзлаган нутқида Покистон Ҳиндистон билан дипломатия муносабатларини тиклашга тайёр эканлигини айтди. Президент шунингдек савдо муносабатларини ва почта ҳамда телеграф алоқасини тиклашга тарафдор эканлигини, бу тадбирлар «шу райондаги халқларга фойда келтиришини» айтди.

КОММУНИСТЛАРНИНГ АНИҚ ПРОГРАММАСИ

НЬЮ-ЙОРК. 28 июнь. (ТАСС). АҚШ Компартияси сайлов вақтида амалга оширилиадиган аниқ программани илгари сурди. Коммунистлар АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги агрессиясини дарҳол тўхтатишни, Американинг чет эллардаги барча ҳарбий базаларини тугатишни, ирқчиликни қонунга хилоф деб эълон қилишни, камбағалларни солиқ азобидан халос қилишни талаб этмоқдалар. АҚШ Компартиясининг Бош секретари Гэс Холл Янгстаунда (Огайо штати) сўзлаган нутқида шу ҳақда гапирди. Гэс Холлнинг нутқи маҳаллий телевидение ва радио эшиттириш шохобчаси орқали эшиттирилди.

Америка коммунистларининг раҳбари қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: «Бундай тадбирлар жуда қисқа вақт ичида 100 миллиард доллар маблағни тежаш имконини беради. Ана шу маблағлардан Америкадаги ҳар бир оилани уй-жой билан таъминлаш ва мамлакатнинг бутун экономикасини ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришдан тинч давр маҳсулотларини ишлаб чиқаришга кўчиш учун фойдаланиш мумкин бўлур эди. Тинч давр учун керакли маҳсулот ишлаб чиқариш тушкунликка юз ўгирган шаҳарларни тиклаш ва халқ эҳтиёжларини қондириш учун зарур».

ИСРОИЛ: ИККИНЧИ СОРТЛИ КИШИЛАР

Бундан бир йил муқаддам «Укрхремонт» трестининг ишчиси, инженер Борис Иосифович Бравштейн оиласи билан Исроилга жўнаб кетди ва Бер—Шева шаҳрига жойлашди. Яқинда у Киевга «очиқ хат» йўллаб, қуйидагиларни ёзди:

«Исроилни ўз кўзинг билан кўргандан кейингина бу мамлакат ҳақида совет газеталарида ёзишганини, радиода гапиришгани, телевизорда кўрсатишгани — ҳаммаси ҳақиқат эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласан, — ана шунда бу ҳақиқатга ишонмаётган кишилар борлигига ачинасан. Бир вақтлар мен ҳам ана шундай фикрда эдим.

Бу ерда «ўзаро ҳамкорлик» деган нарса азалда ҳам йўқ. Исроилнинг «бой» ўғиллари унинг «камбағал» ўғилларини аёвсиз эзмоқда. Аҳоли икки табақага—«аслзода яҳудийлар» ва иккинчи сортли яҳудийларга ажратилади. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлардан келган яҳудийлар — иккинчи сорт ҳисобланади. Африка мамлакатларига мансуб бўлган «қора яҳудийлар» — қул билан баробар.

Демократия? Бу ким учун? Магазин, дўкон очиш, мебель фабрикасини сотиб олиш мумкин... Кимда пул бўлса унинг қурби етади. Агар норозилик билдирмоқчи бўлсанг, аввалига полицияга рўйхатдан ўтиш ва бунга ижозат олиш керак. Агар ижозат беришмаса норозилик билдириб кўрчи! Минг бало бошингда ёғилди деявер. Давлат болалар боғчалари ва яслилари қурмайди, аксинча кўплаб даромад берадиган келгиндилар учун уйлар қуради».

Совет Иттифоқига Исроилдан хатлар келиб турибди. Бу хатлар Совет ҳукумати номига, газета редакцияларига, журналларга, қариндош—уруғларга, танишларга, собиқ қўшниларга йўлланган.

«Қадрли редакция! Сизларга Черновицкаядаги 2-мактаб бешинчи «А» синфининг собиқ ўқувчиси Зельцер Юдит мурожаат қилмоқда. Мана СССРдан жўнаб кетганимизга ҳам яқинда бир йил бўлади. Мана бир йилдирки, бизда пионерлар сбори бўлгани йўқ, мана бир йилдирки парта нималигини билмайман, бир йилдирки биз «Пионерская правда»ни ўқий олмаймиз. Биз рус тилисиз, қадрдон мактабсиз, дўстларсиз бундан буён яшай олмаймиз»

СССР Олий Совети Президиуми адресига келган мана бу хатда бундай дейилади: «Биз жуда катта хато қилдик. Бу сўзлар оддий дабдаба эмас, балки аччиқ ҳақиқатдир. Биз Исроил ҳақида «чиройли» открткаларга қараб, қариндошларимизнинг мактублари ва Исроил пропагандасининг сафсатасига қараб фикр юритардик. Ширин орзу аччиқ ҳақиқат бўлиб чиқди. Афсуски, биз бу ҳақиқатни анча кечикиб Исроилда бир неча ой ҳаёт кечиргандан кейингина тўла тушуниб етдик. Бу мактубни «сионистлар жаннати»дан Италияга қочишга муваффақ бўлган Абрам Глезер, Лазар Гутман ва Якуб Ламлар ёзишган.

Т. Гохман ўз ўғли билан Ғарбий Германияга қочди. Т. Гохман ўтган йили сионистлар сафсатасига учиб, Москвадан Тель-Авивга келган эди. Она ўғлининг кетидан йўлга чиқди.

«Биз Исроилдан чиқиб кетиш учун жуда кўп ишлашга ва қарз тўлашга мажбур бўлдик. Ниятимиз Совет элчиси бўлган бир мамлакатдан бошпана топиш ва ўша ердан туриб Ватанимизга қайтиш ижозатини олиш эди. Биз Ғарбий Германияга жўнадик ва ўша ерда Ғарбий Германия телевидениесида ҳамма нарсани сўзлаб бердик. Капиталистик «жаннат» дан социалистик Ватанимизга қайтишга ёрдам беринг». Мени ва ўғлимни халос этинг!!!»

«Мен уйга қайтишни жуда орзу қиламан! Назаретелейда яшовчи Соня Брондз Харьковдаги онасига ёзган мактубида ялиниб ёлворади. — Биз бу ерда ҳаммамиз, бегонамиз. Уйга қайтиш учун жуда кўп меҳнат қилиш ва қарздан ҳоли бўлиш керак. «Тил ўрганиш» баҳонасида мени катта қарздор қилиб қўйишди, квартира, йўл харажатлари... ҳали зиммамда турибди».

Бундай мазмунда юзлаб хатлар келиб турибди.

(АПН.)

▲ ДУНАЙ дарёси бўйидаги Козлодуй шаҳрида атом электростанцияси бунёд этилмоқда. У Болгариядаги энг йирик қурилишдир. Электростанциянинг 80 минг киловатт қувватга эга бўлган биринчи навбати олтинчи бешйилликнинг охирида фойдаланишга топширилади. Суратда: совет инженери Геннадий Родионов (ўнгдан иккинчи) болгариялик ўз ўртоқлари билан галдаги вазифаларни муҳокама қилмоқда.

БТА—ТАСС фотоси.

ХАНОЙ БОМБАРДИМОН ҚИЛИНМОҚДА

ХАНОЙ. 28 июнь. (ТАСС). Сўнгги кунларда Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикаси пойтахтига бир неча марта ҳужум қилди. Аҳоли ўртасида қурбонлар бор, бир қанча граждан объектлари вайрон қилинди.

27 июнь кунларида, жумладан Америка бомбалари 79-ўй-жой кварталига, Кимлиен районига ва Чионг-Динь ишчилар посёлкасига, бир қанча медицина муассасаларига, шу жумладан Батьмай касалхонасига, шунингдек, Ханой атрофидаги тўрт район—Зялам, Тилием, Тханьчи, Донгань районларига Америка бомбалари ташланди.

Агрессор қақшатгич зарбага учрамоқда. Аниқланган маълумотларга кўра, республика ҳимоячилари кеча Ханой, Виньфу ва Сонла вилоятлари осмонида Американинг 10 самолётини уриб туширдилар. Бундан ташқари шундан аввалги кунлари Хайфон ва Нгеан вилояти осмонида АҚШнинг яна уч самолёти яксон қилинган эди.

ҒАЗАЛКЕНТ ШАҲРИ 40 ЁШГА ТЎЛДИ





СОЦИАЛИСТИК ҒАЗАЛКЕНТ йилдан-йилга чирой очиб бормоқда. Бу ерда қад кўтараётган янги кўркам турар-жой бинолари, маданият саройлари ва маданий-маиший объектлар шаҳар ҳуснига ҳусн бўлиб тушмоқда. Юқоридаги суратларда: 1. Шорс кўчасида қад кўтарган янги турар-жой бинолари. 2. Ленин кўча сидаги маиший хизмат кўрсатиш уйи. 3. Ленин майдонида.

ШАҲРИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Айни кунларда шаҳримиз билан мукаммал танишган киши, унинг беқиёс тараққий этаётганлигининг гувоҳи бўлади. У кун сайин ўсиб камол топаяпти.

Партия ва ҳукуматимизнинг кундалик ғамхўрлиги туфайли шаҳримиз йилдан-йилга ўсиб жамоли кўркамлашиб бормоқда. Йиллар ўтиши билан саноат корхоналари ва кўп қаватли турар-жой бинолари қад кўтариб, кўчалари ободонлашиб бормоқда. Ҳозир шаҳримизда 10 дан ортиқ саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари ишлаб турибди. Мана шу саноат корхоналари бир кунда 189 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Шунингдек, қурилиш объектларида эса бир кунда 149 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоқда.

Шаҳримизда бошқа тармоқлар қатори халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг сони ҳам йилдан-йилга кўпайиб иш ҳажми тобора кенгайиб бормоқда. Кейинги икки йил ичида 10 дан ортиқ савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари, маданий муассасалар ҳамда шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати қурилиб фойдаланишга топширилди.

Шаҳримизда аҳолининг сони тобора ўсиб бормоқда. Бу хол саноат корхоналари, қурилиш объектларининг ўсиб бориши ва уларда иш ҳажмининг кенгайиши билан боғлиқдир албатта. Бу эса бизнан коммунал қурилиш ишларини ҳар томонлама кучайтиришни талаб қилмоқда. Ўтган икки-уч йил ичида 12 минг 800 квадрат метр ҳажмда уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилди. 400—500 оила янги замонавий уйларга кўчиб кирди. Шаҳримиз маркази, Ленин майдонида тўрт қаватли кўркам маъмурий бинолар қад кўтарди. Шу вақт ичида 15 километр узунликда водопровод қувури ётқизилиб, 1900 га яқин хонадонга табиий газ киритилди. Шаҳарнинг асосий кўчалари асфальтланди.

30 июнда шаҳримизга асос солинганига 40 йил тўлади. Унинг ўтмишига бир назар ташласак кўз ўнгимизда Чирчиқ бош сув иншооти қурувчиларининг кичик бир посёлкаси ва шаҳарнинг янги қисмидаги маҳаллий аҳолининг бир неча хонадонидан иборат кичик бир қишлоқ намоён бўлади. Шаҳримиз мана шу ўтган 40 йил ичида қурилди ва камол топди. Ҳозир областимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик шаҳарлар қаторига кириб бормоқда.

Шаҳримизнинг истиқболи катта. Тўқкизинчи бешйилликда йирик саноат корхоналаридан бўлган консерва заводи ва тошга ишлов бериш комбинати реконструкция қилинади. Шу туфайли бу корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати бир ярим баравага ўсади.

Шаҳарнинг қурилиш планига асосан шу беш йилликда 240 ўринли касалхона комплекси ва медицина ходимлари учун 2 та 40 квартирали турар жой бинолари қурилиб, 1973 йилда фойдаланишга топширилади. Шунингдек, 72 квартирали икки замонавий уй 1972 йилнинг охирида ва 72 квартирали бир уйнинг қалити эса 1974 йилда шаҳар аҳолисига топширилади.

Шу билан бир қаторда шаҳримизда янги маданий муассасалар қуриш ишлари ҳам жадал суръатлар билан олиб борилиб, бешйилликда 280 ўринли болалар боғчаси, маданият саройи, замонавий алоқа бўлими ва ресторан қурилиб фойдаланишга топширилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалик бошқармаси ва район босмахонасининг бинолари қад кўтаради.

Бутун мамлакатимиз СССР ташкил этилган кунининг 50 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўраётган бир пайтда Совет ҳокимияти йилларида бунёд этилган шаҳримизга асос солинганига 40 йил тўлмоқда. Шаҳримиз меҳнаткашлари жонажон коммунистик партия ва Совет ҳукуматимиз ғамхўрлигига жавобан зўр ғайрат ва катта ташаббус кўрсатиб меҳнат қилиш билан шонли санани муносиб кутиб оладилар.

К. А. КОРОТКОВА,
меҳнаткашлар депутатлари Ғазалкент шаҳар совети ижроия комитетининг раиси.

ШАҲАР корхоналарининг коллективлари СССР 50 йиллигига муносиб совғалар билан бориш иштиёқи билан меҳнат қилмоқдалар. Бу борада консерва ва мармар заводларининг ишчилари қувонарли ютуқларга эришмоқдалар. Улар ўз шаҳарлари юбилейига ҳам муносиб туҳфалар билан келишди. Пастдаги суратларда: [чапда] консерва заводининг смена технологи Д. Ғаниева [ўнгда] янги ҳосилдан тайёрланган консервалари кўздан кечирмоқда. [Ўнгда] мармар заводининг илғор ишчиси Т. Алиев. И. Портнов фотолари.

Янги шеърлар

ЮЛДУЗЛАР

Ҳаёт — поэзия
Ҳаёт жуда гўзал —
поэзиядек,
Тараққиёт — жони!
Туролмайди тек,
Келинг, азми дунё
гулшанда кулсин
Иноқлик унсину инсо
битсин лек.

АДОЛАТ

Адолат бор. Ватан гулистон,
Қадр топган бизда у ҳар он.
Туну кундуз, ер-сув-
осмонда—
Фидо бўлсин унга доим жон.

Тўлқин РАЖАБИЙ.

ШУРЖОН

(ДОСТОНДАН ПАРЧА)

Маҳаллада чиқмиш дув-дув
гап:
— Нуржон қизнинг бўлармиш
тўйи...
«Куёвнинг ким» эканин
сўраб,
Қайси экан, дейишар, уйи?
Маҳаллада ёйилар миш-миш:
«Мурунтовлик эмиш аслида,
У Хивадан кўчиб борганмиш,
Аввалги йил баҳор фаслида.
Очиб ундан ноёб янги кон,
Элга олтин совға этибди.
Дунё узра у таратиб шон,
Довруғи оламни тутибди.
Илғорларга сардор эмиш у,
Устоз эмиш у ҳар бир ишда.
Кечалари бедор эмиш у
Давлатга мўл олтин беришда.
Иш жиловин қўлига олиб,
Дўстлар ичра бўлибди улуғ.
Ҳар бир ишда у келиб ғолиб,
Номи бўлмиш эл аро қутлуғ.
Плани-ю, ҳам мажбуриятни
Ўндирармиш икки юз фоиз.
Юрт шонига кўшиб ҳиссасин,
Халқ олдида бўлмиш ёруғ юз.
Довруғини тинглаб қай санам:
— Ёринг бўлса шундай
кирпин...
Аттанг-ла дер бир қоши қалам:
— Мунчалар ҳам олисда жойи.
— Гап жойдамас, асли —
кўнгилда.
Икки кўнгил яқин бўлса, бас!
Севги нури ёритган йўлда,
Олислик ҳам ҳеч нарса эмас!
Рост-да,— дейди қайси бир
пари,
Бир қоқожон туриб деди: —
Йўқ,
Кўнгил, кўнгил — қуруқ гап
бари,
«Ишқ» дегани асли, бетутруқ.
Нуржон асли тентак қиз
экан,
«Отажон» деб оҳлар урармиш.
Ҳуштори-чи, ўзга қиз билан
Тез орада тўйин қилармиш.
Қизни бермиш завод мудири,
Ясатганмиш бир ҳангома уй,
Бу ишлардан бўлмай хабари,
Нуржон сурар сеҳрли бир ўй.
Севги учун бўлиб фидокор,
Отажонин тилдан туширмас.
Ширин бўлиб — ишда
барқарор,
Фарҳодини ёдлар ҳар нафас...

Уйғурчадан БАРОТ БОЙҚОБИЛОВ ва МИНҲОЖИДДИН ҲАЙДАР таржимаси.

БОДОМ ТАГИДА

Сепин ёйган бодом тагида,
Яйраб турар икки навқирон.
Енганини севги шавқида,
Нигоҳлари айлайди баён.
Учрашганда тим қора кўзлар
Олов тангри ҳам тиз чўкади.
Ишқ ўтида ёниб гул юзлар,
Чўғларини қалбга тўкади...

Рисолат АСИЛБОЕВА.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЙИГИТ, СЕНИ КУТАМИЗ

Тошкент кино уйида янги кенг экранли «Йигит, сени кутамиз» деган бадиий фильм жамоат кўригидан ўтди. Бу фильм «Ўзбекфильм» киностудиясида яратилган. Фильмнинг лентаси суратга олинадиган павильонлар ва монтажхоналаридан чиқиши биланоқ халқаро экранда намойиш қилинди. Бу фильм Осиё ва Африка мамлакатларининг Ўзбекистон пойтахти Тошкентда бўлиб ўтган иккинчи кинофестивали иштирокчиларига кўрсатилди ва ҳақли суратда анча мақтовга сазовор бўлди.

А. Михалков-Кончаловский сценарияси асосида ёш режиссёр Р. Ботиров яратган фильмнинг сюжети бир қарашда оддий воқеага ўхшаб кўринади. Кино қиссада Тимур деган ишчи йигит, унинг заводдаги дўстлари, оддий меҳнат ҳаёти тасвирланган. Фильм қаҳрамонлари энди ҳаётга дастлабки қадам қўйиб келаётган миллион-миллион тенгқурларидан сира фарқ қилмайди деса бўлади.

«Сени кутамиз, йигит» фильм ҳаммага маълум бўлган «41-йил олмалари» деган биринчи кинофильмни яратган Р. Ботировнинг иккинчи катта фильмидир. Янги асарда ҳам ёш мастернинг ўзига хос маҳорати яққол сезилиб турибди: Р. Ботиров бир қарашда оддий бўлиб кўринган воқеаларда қаҳрамоннинг табиати ва психологиясини экранда намоён этишга интилади. Чуқур лиризм инсон қалбининг энг нозик жойларига етиб бориши фильмга хосдир.

Режиссёрга жўр бўлиб суратга оладиган бутун группа ижодий меҳнат қилган. Масалан, бош ролда ўйнаган Отабек Ғаниев «41-йил олмалари» фильм суратга олинганда режиссёр ассистенти эди. У янги фильмда ўйланган мақсадни айниқса муваффақиятли мужассамлантирган бўлса керак.

Тез орада янги фильм республика кино экранларига чиқарилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ФЕСТИВАЛЬ ОДИМИ

ВЛКСМ Марказий Комитетининг СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб совет ёшларининг Бутуниттифоқ фестивалини ўтказиш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон йигит ва қизларини ғоят қувонтирмоқда. Бу фестиваль комсомол ташкилотларининг, ҳар бир комсомолнинг, барча ёшларнинг меҳнатда, ўқишда, илмий-техника ва бадиий ижодда, спортда ва оммавий мудофаа ишида эришган муваффақиятлари кўриги бўлади.

Фестивалнинг вазифаси — кўп миллатли ватанимизни янада равнақ топтириш, КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида ёшларни фидокорона меҳнат қилишга сафарбар этишга кўмаклашишдан иборат.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида Ўзбекистон информация агентлиги мухбирига маълум қилишларича, республиканинг ҳамма жойларида фестивалга тайёргарлик бошланди. Корхоналар, колхозлар, совхозлар, муассасалар, ўқув юртлари ва ҳарбий қисмларда фестиваль комитетлари тузилмоқда.

Яқинда Наманганда байрам байроғи тантанавор ҳилпиради. Шу куни «Биз ленинча дўстлик билан қудратлимиз», деган шиор остида ўтказиладиган область фестивали бошланди. Фестиваль тўрт кун давом этди. Фестиваль программасига мувофиқ бадиий ҳаваскорлик коллективлари ўз маҳоратларини намойиш қилдилар, турли кўргазмалар ташкил этилди, спорт мусобақалари ўтказилди. Профессионал маҳорат кўриклари, интернационал дўстлик кечаси ўтказилди. Наманганликлар ўз тантаналарига республиканинг бошқа областларидан меҳмонларни, Тошкентда таълим олаётган чет эллик студентларни таклиф этишди. (ЎзТАГ).

Реклама ва Эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатувлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — Болалар учун телевизион театр. **«Тилсим, эшигингни оч»**, 18.40 — **«Ахборот»** информацион программаси, 19.00 — **«СПОРТЛОТО»нинг Бутуниттифоқ XVIII тиражи.** «Юбилей» спорт саройидан олиб кўрсатилади.

Ўзбек тилида: 20.35 — **«Ахборот»** информацион программаси, 20.50 — **«ЛАЗГИ»** (музикали кўрсатув, рус тилида).

22.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.10 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 22.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун. **«Йигим-терим авжида»**, 22.30 — **«Коммунист»** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — **«Садко»** (бадиий фильм), 21.20 — **«Тўлқинда—02»**, 21.50 — **«Классик музика саҳифалари». Ф. АМИРОВ. «Низомий» симфонияси** (ўзбек тилида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/VI да **Манон Леско**, 1/VII да **Париж алангаси.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Зулматдан зиё — **«ЎЗБЕКИСТОН»**, **«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ»**, **ҲАМЗА** номли, **«СПУТНИК»** (кундуз ва кечқурун).

Рам ва Шам (2 серия) — **«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ»**, **НАВОИЙ** номли, **«ЧАЙКА»**, **«ВОСТОК»**, **«ДРУЖБА»** (кундуз ва кечқурун), **«СПУТНИК»** (кундуз соат 2, 3 кеч 8 ва 9 да), **«МОСКВА»** (кундуз соат 3, 5, ярим ва кеч 8 да).

Рус даласи — **САНЪАТ САРОЙИ** (кундуз ва кечқурун).

Ромео ва Жульетта (2 серия) — **«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ»** (кундуз ва кечқурун).

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

1, 2 июль кундуз соат 12 дан бошлаб

ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИ БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛАДИ

Боғимизга марҳамат қилинг!

ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ

ГАСТРОЛЬ КУНЛАРИДА

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

НАМОЙИШ ҚИЛАДИГАН СПЕКТАКЛЛАРИНИНГ

Репертуар плани

5, 11, 17, 20 июлда
«РУСТАМ»
6, 9, 13, 16 июлда
«ҚУША-ҚАРИНГЛАР»
(9, 16 июлда кундуз соат 2 да)
7, 8, 12 июлда
«ХОЛИСХОН»
(7, 8 июлда кундуз соат 2 да)
8, 15 июлда
«ҚИРОЛНИНГ ДИЛХУШИ»
9, 14, 19 июлда
«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН»
10, 18 июлда
«НОДИРА»
16 июлда
КАТТА КОНЦЕРТ

Спектакллар кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

ТОШКЕНТДА СПОРТЛОТО

Эртага Тошкентдаги Марказий «Юбилей» спорт саройида Бутуниттифоқ спортлотосининг 18-тиражи бўлади.

Спорт лотосининг биринчи тиражи Москвадаги журналистлар уйида 1970 йил 20 октябрда ўтказилган эди. Олтин номерни тўғри топган биринчи рекордчи москвалик иқтисодчи Морозова ва унинг қизи Ира эди. Ленинградликлардан биринчи бўлиб «Баррикада» заводининг формовкачиси В. Корхов 14-тиражда ҳамма олти номерни «нишонга» олди. Мамлакат бўйича рекордчи ҳозирча киевлик муаллима Л. Мельниченко бўлиб турибди. У 17-тиражда 162 та билетдан 44 тасининг уч номерини, 6 тасининг тўрт номерини, 2 тасининг эса 5 номерини топди. Унинг бир тираждаги ютуғи 10926 сўмни ташкил этди. Туличев қишлоғидаги тракторчи А. Лицюк 50 та билетнинг 49 тасида 4 та номерни, 1 тасида эса 3 номерни топди...

Спортлото Ўзбекистонда 1971 йилнинг октябрь ойидан бошлаб ўйналяпти. Ўтган қисқа даврнинг ичида республикамизда бу лотерея ўйини жуда кенг тарқалди. Ҳозиргача спортлотонинг беш номерини топганлар 44 кишига етди. Улар 2 мингдан 5 минг сўмгача ютуқларнинг эгаси бўлишди. Лекин шу пайтгача республикамизда бирон киши ҳам олти номерни «мўлжал»га ололгани йўқ. Истаргинки, эртага пойтахт Тошкентда ўтказиладиган 18-тиражда улкан ютуқлар эгалари анча кўпайсин...

Билетдаги олти номернинг бешта ёки олтитасини тўғри топганлар ютуқни спортлото Ўзбекистон зонал бошқармаси орқали оладилар. Учта ва тўртта номерлари ютуқ жадвалига тўғри келганлар эса омонат кассаларидан ютуқларни олишлари мумкин.

1972 йилда ўтган 17-тиражда республикамиздан тўрт киши беш номерни тўғри топди ва ҳар бири 2144 сўмдан ютуқ олишди. Улардан икки киши Тошкент шаҳридан, бир киши Фарғонадан ва яна бири Тошкент областидан. Республикамизда бир киши Иттифоқ бўйича рекорд натижага эришди. У 60 билетдан 56 тасига 4 сўмдан ютуқ олди. 15-тиражда Самарқандлик пенсионер Софья Тимофеевна Скнданова, қўқонлик инженер Татьяна Николаевна Вязниковцевалар беш номерни тўғри топиб, катта ютуққа эга бўлишди.

Бутуниттифоқ спортлотосининг Тошкентда ўтказиладиган навбатдаги тиражига катта тайёргарлик кўрилди. «Юбилей» спорт саройи атрофи шиор ва плакатлар билан безатилган. Шу куни фойедаги киоскаларда спортга оид газета ва журналлар сотилади.

Марҳамат, қадрли тошкентликлар «Юбилей» спорт саройига келиб омадингизни синаб кўринг. Тираж уйинидан сўнг катта концерт қўйиб берилади.

А. ҚУЗИБОЕВ,
спортлото Ўзбекистон зонал бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

МУНТЯННИНГ УЧ ТЎПИ

28 июнда футбол бўйича мамлакат чемпионатининг навбатдаги турида Тбилиси динамочилари ўз майдонида Ленинграднинг «Зенит» командасини 1:0 ҳисобида, Ереванинг «Арарат» коллективи ЦСКАни 2:0 ҳисобида ютди. СССР чемпиони Киев динамочилари Бокуда «Нефтчи» устидан катта галабага эришдилар. Ҳисоб 4:1. Бу ўйинда киевликлар ярим ҳимоячиси Мунтян учта тўп киритди. Тўртинчи тўпни унинг ёрдамида Колотов мўлжалга урди. Олмаотанинг «Қайрат» футболчилари мавсумда биринчи марта ўз уйларида муваффақиятга эришдилар. Улар Москва спартакчиларини 1:0 ҳисобида ютдилар. Қолган ўйинлар қуйидагича тугади: «Локомотив» (Москва) — «Динамо» (Москва) —1:3 ва СКА — «Карпати» — 3:1.

Турнирда ҳамон Ворошиловграднинг «Заря» коллективи олдинда бормоқда — 13 ўйиндан 20 очко. Иккинчи ўринда Тбилиси динамочилари туришдилар. Улар бир ўйин кам ўтказиб, 17 очко қўлга киритдилар. Москва армиячилари 24 имкониятдан 14 очко олиб учинчи ўринда бормоқдалар. Пойтахт торпедочиларида ҳам шунча очко бор. Лекин улар бир ўйин кўп ўтказишган.

Ўтган йилги олтин ва кумуш медаль эгалари — Киев динамочилари билан «Арарат» футболчилари мавқеларини яхшиладилар. Чемпионлар 13 очко билан бешинчи, ереванликлар 12 очко билан олтинчи ўринда лар. Турнир жадвалининг сўнгида Москва темирйўлчилари бормоқда (8 очко).

О. АҲМЕДОВАНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ

Ўтган йилгидек бу йил ҳам Ўзбекистон очиқ чемпионатида Калинин шаҳридан келган спорт мастери Татьяна Степанова ғолиб чиқди. У Чирчиқ шаҳрида бўлган халқаро шашка турнирини текис ўтказиб, битта ҳам мағлуб бўлмади ва 13 имкониятдан 10 очко олди. Уч шашкачи — Е. Михайловская (Москва), А. Наумова (Киев), Л. Агафонова (Москва) чемпиондан бир очко орқада қолдилар. Коэффициентлар жадвалига кўра Е. Михайловскаяга иккинчи даражали, А. Наумова учинчи даражали диплом берилди.

Тошкент чемпиони 16 ёшлик Озода Аҳмедова қувончли натижага эришди. Сўнгги турда у Л. Гусарова билан дуранг қилиб, 8 очко тўплади. Бу унга фахрли бешинчи ўринни эгаллаш ва СССР спорт мастери нормативини бажариш имконини берди. У Ўзбекистон шашкаси тарихида аёллар ўртасида бундай муваффақиятга эришган биринчи спортчидир. Областимиз вакили К. Ан 7,5 очко олди.

Е. ЧЕРКАССКИЙ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») —орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор— В36495. Редактор ўринбосарлари— В35885, В37916. Масъул секретарь—В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими—В33786 Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари—В35811. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари—В39050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими—В37045, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—В34045. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — В30249 дан В30259 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 04287 ИНДЕКС 64697. Б. 1783.